

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,  
чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали,  
Технологиялар факултети Зоинжженерия ва ипакчилик кафедраси  
доценти Эсанов Азамат Шерназарович*

**Аннотация.** Мақолада наслчилик фермер хўжалиги шароитида қора-ола, голштин ва уларнинг дурагай таналарининг айрим биологик хусусиятларини ўрганилиб, гурухлараро катта фарқ кузатилмаган.

*Фақат голштин таналарида кўрсаткичларнинг бироз юқори бўлиши уларда шароитга мослашии жараёни кетаётганидан хабар беради.*

**Калит сўзлар:** рацион, тана, биологик хусусиятлар, қон, нафас олиши, юрак уриши тезлиги, феъл атвон, қора-ола, дурагай, голштин.

**Аннотация.** В статье отражены некоторые биологические особенности телок черно-пестрой, голштинской и их помесей, где заметные межгрупповые различия не наблюдались. Некоторое повышение отдельных физиологических показателей голштинов объясняется акклиматизацией завозного скота.

**Annotation.** Certain biological characteristics of white and black, Holstein and mixed breed heifers were studied at the conditions of "Roxatoy" breeding farm and no large differences were observed. Only the Holstein pedigree heifers had higer figures that shows they are adapting to the conditions beeter than others.

### **Кириш**

Сигирлар подасини сермаҳсул биринчи тукқан сигирлар билан мунтазам тўлдириб бориш, подаларнинг ўртacha маҳсулдорлигини муттасил ортиб боришини таъминлайди.

Бунинг режали зотлар бузоқлари ҳамда таналарини жадал ўстириш, эрта муддатларда урглантириш, ғунажинларни илғор усулларда туғишига тайёрлашни таъминлаш талаб этилади.

Тана ва ғунажиларни ўстириш жараёнида уларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш орқали ташқи муҳитга ҳимоя жавоби орқали сақлаш, озиқлантириш ҳамда бошқа технологик жараёнларни мослаш тақоза этилади, ёки барча ўстириш ва парваришларни жараёнлари ҳайвонлар табиатига мос тушиши даркор. [1]

### **Тақиқот обекти ва услубияти**

Тошкент вилояти Зангиота туманидан “Рохатой” наслчилик фермер хўжалигига таналарнинг айрим биологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида илмий-ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказилди.

Тажриба учун уч гуруҳ таналар ажратиб олинди:

I гуруҳ – қора-ола зотли таналар-10 бош.

II гуруҳ –  $\frac{1}{2}$  қора-ола  $\frac{1}{2}$  голштин таналар-10 бош.

III гуруҳ – голштин зотли таналар-10 бош.

Таналар хўжаликда қабул қилинган сақлаш ва озиқлантириш шароитларида парваришланди.

Таналарнинг текис нормал ўсиши, ривожланиши ва ўз вақтида қочишини таъминлайдиган тўла қимматли озиқлантиришни ташкил этиш юкори маҳсулдор сигирлар ўстиришнинг асосидир. [2]

Улар айвонли майдонларда боғламасдан асралиб, асосан хўжаликда этиштирилган озуқалардан тузилган тенглаштирилган рационларда жадал боқилди.

Даврлар бўйича молларнинг ўсиш ва ривожланиш қўрсаткичлари назорат қилиб борилди. Ҳайвонларнинг клиник қўрсаткичлари дастурга биноан ўтказилиб тана ҳарорати, юрак уруш ва нафас олиш тезлиги ўрганилди.

Махсулдор моллар, подалар ва зотлар фақат йўналтирилган наслчилик ишлари эвазига яратилган. [3]

Турли генотипга мансуб ҳайвонларнинг клиник қўрсаткичларида фарқ кузатилди.

**1-жадвал**

### **Ҳайвонларнинг клиник қўрсаткичлари ( $X \pm C \times$ )**

Ҳайвонлар ёши, ой	Гурухи	Тана харорати, °C	Минутда, марта	
			Юрак уруши	Нафас олиши
12	I	38.5±0.2	88.0±1.7	36.0±0.9
	II	38.5±0.2	89.0±1.7	37.0±0.8
	III	38.9±0.1	91.0±1.8	37.0±1.1
18	I	39.0±0.2	93.0±1.4	40.0±0.95
	II	38.9±0.1	97.0±1.5	44.0±1.00
	III	39.3±0.1	99.0±1.3	41.0±1.05

### **Тадқиқот натижалари ва уларнинг мухокамаси**

Қора-ола зотли молларда клиник статуси анча муҳим бўлиб, бу ҳол дурагай молларда ҳам меъёрлар даражасида бўлиб, унга қора-ола зотининг таъсири сезилган.

Хитой голштин таналарида эса бироз бўлсада қора-ола х голштин дурагайларига нисбатан ўзгариш борлиги, уларнинг янги шароитга мослашишидан далолат беради.

Ҳайвонларнинг шароитга мослашишида тананинг барча аъзо ва тизимлари иштирок этади.

Қон тана ҳолатининг ишончли кўрсаткичи ҳисобланади. У ўзига хос мақом билан организмдаги кўрсаткичлардан далолат бериб туради.

### **2-жадвал**

#### **Таналар қонининг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичл ар	I		II		III	
	12 ой	18 ой	12 ой	18 ой	12 ой	18 ой
Гемоглоби н, г%	11.5±0. 19	12.1±0. 22	11.1±0. 18	11.82±11. 25	11.0±0.1 7	11.83±0. 2
Эритроцит лар, минг/мм <sup>3</sup>	10.71± 0.2	11.8±0. 2	10.6±0. 2	11.38±0.2	10.9±0.1 9	11.5±0.2

Лейкоцитла р, минг/мм <sup>3</sup>	10.25± 0.2	12.3±0. 2	11.55± 0.2	11.85±0.2 1	11.60±0. 17	12.55±0. 19
Умумий оксил, г%	8.45±0. 1	9.51±0. 1	8.31±0. 1	8.92±0.1	8.53±0.2 7	9.55±0.1
Албуминла р, г%	3.35±0. 1	3.15±0. 1	3.32±0. 1	3.1±0.1	3.2±0.2	3.3±0.1
Глобулинла р йифиндиси, г%	5.1±0.0 7	6.30±0. 8	4.99±0. 07	5.92±0.06	5.35±0.0 8	6.15±0.0 1
Шу жумладан: Алфа	1.60±0. 1	1.78±0. 1	1.62±0. 1	1.82±0.1	1.62±0.1	1.85±0.2
Бета	1.25±0. 1	2.02±0. 1	1.35±0. 1	1.92±0.2	1.42±0.1	1.98±0.1
Гамма	2.25±0. 1	2.5±0.1	2.02±0. 1	2.08±0.1	2.31±0.1	2.32±0.1
А/Ф коэффицие нти	0.65	0.65	0.66	0.53	0.6	0.54

Қоннинг таркибидаги гемоглабин миқдори турли гурухларда катта фарқ қилмагани ҳолда ёши ортиши билан унинг миқдорини кўпайиб боришини кўриш мумкин.

16-18 ойликда қочириш учун таналар вазни кичик зотлар учун 320-340 кг (бушуев, қизил чўл), йирик зотлар учун 350-360 кг (голштин, қора-ола, швиц) бўлиши шарт. Қанча юқори вазнга эрта етиш озуқалар сарфини камайтиради ва иқтисодий самарали бўлади. [4]

Наслчилик иши кенг маънода молларнинг махсулдорлик ва наслдорлик сифатларини яхшилаш хамда наслчилик ресурсларидан рационал фойдаланиш мақсадида молларни танлаш ва саралаш, наслдор ёш

молларни жадал парваришилаш бўйича амалга ошириладиган ташкилий-зоотехникавий тадбирлар тизимиdir.

Наслчилик базасининг яқин йиллар мобайнида давлатнинг “олтин фонд” даражасига кўтаришимиз даркор. [5]

Ўзбекистон қора-оласида гемоглабин 12.12 % бўлгани ҳолда у хитой голштинларида 11.83 ёки 0.27 г % га юқори бўлиши ижобий ҳол хисобланади.

Эритроцитлар микдори бўлиши ҳам қора-ола таналарида юқори бўлиб, бу фарқ катта бўлмади.

Лейкоцитлар микдори эса энг кўп 11.60 ва 12.55 минг/мм<sup>3</sup> хитой голштинларида кузатилиб, уларда янги шароитга мослашиш жараёнида асосий омил лейкоцитларнинг кўп бўлиши уларнинг ҳимоя тизими шаклланаётганидан далолат беради.

Умумий оқсил микдори хитой голштинларида 18 ойлигидаги 9.55 г % бўлиб уларда ўсиш жараёнларининг жадаллигидан далолат беради.

Албуминларнинг юқори бўлиши қора-ола ва уларнинг голштин зоти билан дурагайларида кузатилиб хитой голштинларидан ишончли фарқ қилмаган.

Импорт қилинган сигир ва ғунажинлар тўла қийматли рационлар билан озиқлантирилган. [6]

Глобулинлар 6.3 г % қора-ола таналарда кузатилиб, унинг гамма фракцияси ҳали уларда кўпроқ бўлиши бошқа гурухларга нисбатан ҳимоя тизими яхши ривожланганлигидан далолат беради.

Фермер хўжаликлари шароитида ҳайвонларнинг феъл-атворини ўрганиш йўли билан уларни сақлаш ва озиқлантириш тизимларини ишлаш билан юқори маҳсулдорликни таъминлаш талаб этилади.

Ҳайвонлар феъл-атвори уларнинг генотипи, сақлаш усуслари, озиқлантириш типи ва меъёри, кун тартиби ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг меъёрий бўлишини таъминлаш зарур.

Молларнинг феъл-атвор кўрсаткичларини ўрганиш билан улар танасида кечётган физиологик жараёнлар жадаллиги ва мутаносиблиги

ҳамда маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхлит жараён сифатида ўрганиш зарур.

Феъл-автор кўрсаткичларига қараб маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларига керакли ўзгаришлар киритиш лозим.

### **3-жадвал**

#### **Ҳайвонлар ҳаракатининг хронометражи**

Ёши, ой	Гурӯҳлар	Тик туриш		Ётиш		Фаоллиги, қадам
		Минут	%	Минут	%	
12	I	905.1±10.9	62.8	535.6±11.9	37.2	12509±61.7
	II	910.5±12.1	63.9	529.5±9.8	36.1	11579±71.5
	III	935.7±13.1	65.11	504.3±12.1	34.89	12021±68.1
15	I	915.1±10.1	63.54	524.9±10.1	36.46	14222±65.9
	II	896.1±11.3	62.9	543.9±9.8	37.1	12371±76.2
	III	932.5±12.3	64.76	507.5±10.9	35.24	12875±69.8
18	I	872.6±12.7	60.6	567.4±12.5	39.4	13827±71.2
	II	867.2±10.1	60.22	572.8±108	39.8	12173±68.7
	III	897±11.5	62.3	543.0±9.8	37.7	13023±73.6

Ҳайвонларнинг ёши улғайиши билан туриш ҳолати камайиши кузатилади (2.2; 3.68 ва 2.81%) бунинг сабаби ёши улғаяборган сари ўзларининг озуқаларга бўлган талабини тезроқ қондириб, кўп миқдорда қабул қилган озуқасини ётиб кавиш қайтариб ҳазм қилишга тўғри келади.

Қора-ола ва қора-ола зотининг голштин зоти билан биринчи авлод дурагайлари асосий биологик хусусиятлари бўйича сақлаш ва озиқлантириш шароитлари мослашганлиги ҳамда юқори ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларига эришган.

### **ХУЛОСА**

Наслдор таналарни ўстиришда уларнинг айрим биологик хусусиятларини инобатга олиш улардан келажакда шароитга яхши мослашган, сермахсул сигирлар етиштиришга асос бўлади.

Килиник кўрсаткичлари мўътадил, қонининг морфологик ва биокимёвий таркиби ижобий, унда қизил қон таначалари сони қўплиги, гемоглобин миқдорининг юқори, оқсил меъёрда бўлиб, фаол бўлган гурух молларидан сигирлар ўстириш мақсадга муофиқдир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Аширов М.И. “Научные основы и практические приёмы совершенствования племенных и продуктивных качеств черно-пестрого скота в условиях жаркого климата” Авт. докт. дисс. Т. 1994. с.24
2. Аннақулов Х ва бошқалар. “Наслдор таналарни 12-18 ойлигida жадал ўстириш”. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларида иннаватсион бошқарув фаолиятини модернизатсиялаш ва ривожлантириш муаммолари. Илмий-амалий конф. Материаллари. Тошкент, 2013 й. 23 апрел. 153-154 б.
3. Тошпулатов Б. Ж. “Влияние некоторых фенотипических факторов на формирование мясной продуктивности бычков разной породности” Авт. дисс. к.с.х.н. Ташкент, 2011
4. Носиров У.Н, Мақсудов И, Досмухамедова “Ўзбекистонда қорамолчиликни ривожлантириш омиллари”. Тошкент-2011, 72-73 б.
5. Мақсудов И. “Қорамолчиликда наслчилик ишлари ва селекция усуллари”. Зооветеринария журнали. 2014. №6. 32-33 бет.
6. Мақсудов И. “Импорт қилинган голштин зотли сигирларнинг озиқлантириш хусусиятлари”. Кишлоқ хўжалиги ресурс тежамкор технологияларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш. Илмий-амалий конф. 2014 йил 20-21 ноябр II-қисм.